

ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

13 апрель, шанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда.
№ 73 (1326)

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 апрель кuni Германия Федератив Республикаси Бундестагининг депутаты Эрика Райнхардтнинг қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Айниқса, иқтисодий,

банк, молия ва савдо соҳаларидаги ҳамкорликнинг янада равнақ топиши икки мамлакат манфаатларига тўла мос келади, деди Ислам Каримов.

Суҳбат чоғида мамлакат-

ларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Солиқ Сафоев ва ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎА).

ФРАНЦИЯГА ТАШРИФ

Келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 21–24 апрелда Франция Республикасига ташриф буюради.

Сафар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Франция Республикаси Президенти Жак Ширак ва бошқа расмий шахслар билан учрашади. Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Федерико Майорнинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ЮНЕСКО Ижроия

кеңашининг сессияси ишида ва Парижда «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши» деб аталган Ўзбекистон ҳафталигининг очилиш маросимида иштирок этади.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВИ



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 12 апрель кuni хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, чет эл ҳамда республикамиз журналистлари билан навбатдаги анъанавий учрашувини ўтказди.

Президент Ислам Каримов 1996 йилнинг дастлабки ойларидан мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида рўй берган янги-

ликлар, Марказий Осиё минтақаси ва МДХ ҳудудида содир бўлган айрим муҳим воқеалар хусусида батафсил сўзлади ҳамда ўз

муносабатини билдирди. Ўзбекистон ўзи танлаган истиқлол йўлидан оғинамай, дадил бораверишини алоҳида таъкидлади. Айни

пайтда Ўзбекистон дунё мамлакатлари билан ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни бундан кейин ҳам ривожлантириб бораверишини қайл этди.

Ўзбекистон раҳбари учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга ат-

рофлича жавоб қайтарди. Учрашувда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Солиқ Сафоев, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

СУРАТДА: учрашув пайти. Р. Нуриддинов тасвирга олган. (ЎА).

АЗМУ ҚАРОРИМИЗ — ҚАТЪИЙ

Тошкентда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг вилоятдан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари иштирокида кўшма сессияси бўлди. Уни вилоят ҳокими Э. Рузиев бошқарди.

Сессияда «Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганини ва собиқ совет ҳудудидagi интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кеңеси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари кенгашларининг кўшма қарори лойиҳаси тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов ана шу ҳақда маъруза қилди.

Сессия қатнашчилари кун тартибидagi масала бўйича кўшма қарор лойиҳасини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Сессияда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Бухорода халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг вилоятдан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари иштирокида кўшма сессияси бўлди.

Сессияда «Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганини ва собиқ совет ҳудудидagi интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кеңеси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари кенгашларининг кўшма қарори лойиҳаси тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Бутуров маъруза масала юзасидан маъруза қилди.

Сессия қатнашчилари кун тартибидagi масала бўйича кўшма қарор лойиҳасини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

(Давоми 3-бетда).

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари В.Усманов раислигида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш комплексий бўйича мажлис бўлиб ўтди.

Унда давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, вазирликлар, ташкилот ва мувоасаларнинг маъсул хохимлари иштирок этди.

Мажлисда давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Хўжаев, республика Тovar ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси А.Йўлдошев, «Вакт» миллий депозитарийини акциядорлик жамияти бош директори Р.Ғабдуллоев, республика кўчмас мулк биржаси бошқаруви раиси Р.Пўлотов,

Давлат мулк қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Эрмашев ва бошқарув сўзга ўнқиб, мамлакатимизда хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича талай ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. Шу билан бир қаторда бу соҳада фойдаланилаётган имкониятлар муваддиғи айниқса, кўчмас мулкларни сотиш, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини чиқариш ва сотиш, бу ишга тижорат банкларини фаол жалб этиш суестилиги танқид қилинди. Шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, маъзур ишга чет эл инвестицияларини кенгрок жалб қилиш лозимлиги уқтирилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ ЙЎЛИДАН ҚАЙТМАЙДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТКИ

Муҳтарам дипломатия миссияларининг бошлиқлари, Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, Хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан яна учрашув турганимдан, сизлар бундай мунтазам учрашувлар анъанасини қўллаб-қувватлаётганингиздан хурсандман.

Сизлар Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини диққат билан кузатиб турибсиз, демак, ҳукумат мажлисларидаги, ваколатли органлар депутатлари хузуридаги сўнги нутқларимдан хабардорсиз.

Анъанага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқаларининг ривожланиши ва мустақамланиши хусусида фикрларимни баён қилишга ижозат бергайсиз.

Шу йилнинг бошланишида, январь ойида Россия Президентини Б. Ельцин билан учрашувимизда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги шериклик муносабатлари муҳокама қилинди.

Шу йилнинг февралда ташқи ишлар вазири Е. Примаков расмий ташрифи билан Тошкентда бўлди. Икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалалар, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Февраль ойида мамлакатимизнинг катта делегацияси Давосда ҳар йили ўтадиган жаҳон иқтисодий анжуманида тўртинчи марта иштирок этди. Унда иштирок этиш анжуман аҳлини Ўзбекистон ва унинг салоҳияти билан таништиришда, хориждан сармояларни жалб этишда катта аҳамиятга эга. Давосдаги бу галги учрашувда ҳам шундай бўлди.

Швейцарияда давлат ва ҳукумат бошлиқлари, халқаро молия ташкилотларининг, йирик банклар ва компанияларнинг раҳбарлари билан бир неча бор учрашдик.

Давосда Европа Ҳамжамияти комиссиясининг комиссари Ханс Ван Ден Брук билан қилган суҳбатимиз яқинда Ўзбекистон диёрида давом этди. Европа Иттифоқининг Европа Ҳамжамияти комиссиясининг ташқи сиёсий алоқалари билан шуғулланувчи раҳбарларидан бирининг ташрифини мен Европа Иттифоқи Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаётганининг, ўзаро муносабатларимизни мустаҳкамлашга тайёригизнинг далили деб биламан.

Февраль ойида Европа Иттифоқи кенгаши ташқи ишлар вазирилар даражасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан

муносабатини билдирди. Ўзбекистон ўзи танлаган истиқлол йўлидан оғинамай, дадил бораверишини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда Ўзбекистон дунё мамлакатлари билан ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни бундан кейин ҳам ривожлантириб бораверишини қайл этди.

Ўзбекистон раҳбари учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Солиқ Сафоев, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

СУРАТДА: учрашув пайти. Р. Нуриддинов тасвирга олган. (ЎА).

музокара бошлашга қарор қилди. Музокаранингни биринчи босқичи март ойида Брюсселда муваффақиятли ўтди. Апрельнинг охиригача битим матни тасдиқланади ва шу ярим йилликда имзоланади деб, умид қиламиз.

Бу ҳужжат ҳамкорликнинг бутунлай янги босқичини бошлаб беради, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ҳамда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этади.

Бу битим Ўзбекистоннинг халқаро савдо ташкилотига қўшилиш учун тайёргарлигини тезлаштиради, фақат иқтисодий, илмий-техника, маданий алоқалар учунгина кенг имкониятлар яратишга қолмай, Европа Иттифоқи билан мунтазам сиёсий мулоқот учун ташкилий замин яратаяди, деб умид қиламиз.

Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик икки томонлама асосда ҳам ривожланимоқда.

Ташқи ишлар ва Ҳамдустлик ишлари вазири М. Рифқиндининг ташрифи чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётгани таъкидланди.

Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирининг бош котиби Б. Дюфур билан суҳбат савдо-иқтисодий, маданий соҳаларда бўлгани каби, сиёсий соҳаларда ҳам, мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини кўрсатди.

Осиё мамлакатлари билан ҳам алоқаларимиз кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон-Япония муносабатлари юксалиб бормоқда. Бу ҳамкорлик (Давоми 2 ва 3-бетларда).

«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТИМИЗДА: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

ЯНГИЛИКЛАР, ФАКТЛАР, ВОҚЕЛАР

ҚУРУҚ ҚАЙТИШМАДИ

Нукус шаҳридаги Е. Қўсқулов номида санъат мактабининг расмийлик бўлимида таъсис олаётган 15 нафар ёш музавир Россиянинг Электросталь шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада иштирокчилар.

НОДИРАБЕГИМ БОҒИ

Кўкөн меҳнатқиллари, республика элчилари, фан, адабиёт ва санъат намойишларининг ушбу шаҳарда шоира Нодирабегим боғини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси маммуният билан маъқуладилар.

ЗАР ЗАМИННИНГ ЗАРГАРЛАРИ

«Самарқандгеология» давлат геология қорхонаси Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ҳудудларида, Кенжлик чўлларида, Туркестон, Нурут ва унга ёқош тоғ тизмалари этакларида 40 йилдан бундан кўчирин билан шуғулланади. Уларнинг аниқлишлари натижасида қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

ЧИРОҚИДА... ЖАҲОН БОЗОРИ

Қарин — Самарқанд қатна йўлининг 50-километрида «Еттитомба» десан манзилгоҳ бор. Бу ердан ҳар кун Туркия мамлакатларидан келаятган минглаб йўловчилар, юк машиналари ўтади. Еттитомба йўловчи ва ҳайдовчилар учун кўнгли масканга айланиб қолган, десак ҳато қилмаймиз.

ДЎСТЛИК ПОЙҒАСИ

Олимпия ҳаракатининг 100 йиллиги ҳамда Қирғизистон Республикаси мустақамлигининг беш йиллиги бағишланган кўн қувлик дўстлик пойғасида қатнашаётган жалаолободлик спортчилар Андижонга келинди.

ХИЛЛАРИ КЛИНТОН ВА ЗАРДУЗЛАР

Бухоро вилоятидаги «Зарду» хиссадорлик жамиятининг кўн суз тикувчилари Соҳибқирон Амир Темур юбилейига атаб унинг сувартини зар тоғаларда гавдалантирди.

ҚУРУҚ ҚАЙТИШМАДИ

«Халқ сўзи» мухбири.

НОДИРАБЕГИМ БОҒИ

«Халқ сўзи» мухбири.

ЗАР ЗАМИННИНГ ЗАРГАРЛАРИ

«Халқ сўзи» мухбири.

ЧИРОҚИДА... ЖАҲОН БОЗОРИ

«Халқ сўзи» мухбири.

БИР ШИМА ЧОЙ УСТИДА

1986 йил 19 апрель. Ушбу сана Юсуф Қоди... 1986 йил 19 апрель. Ушбу сана Юсуф Қоди...

мақсад қилиб қўйгани, биз ҳам унинг нияти амалга ошишидан манфаатдоримиз ва унга муваффақият тилаймиз.

— Ана бу ерда ҳақиқий спортчасига гаплашса бўлади, бунақа тринажёрлар ҳатто виллоят спорт кўмитасида ҳам йўқ.

Кейинги босқичда штангани кўрагиғи олиб, овоз кўтарайтган пайтда қўлидан сирғалиб чиқиб, белига тушиб кетибди.

деганда гавдасини тутиб ўтирадиган бўлди. Ҳозир ҳам шу аҳволда. 1989 йили Москвада икки марта операция қилишди.

— Юсуфнинг спортга кириб келиши қандай бўлган? — Еттинчи синфдан машгулотларга қатнашди.



«СОҚОВ АЁЛ»

53 ёшли Алиса Крейдер Элевс Преслиннинг ашаддий шикибози. Шунинг учун ҳам у Элевс йўқолган ёки қилган деб тахмин қилинаётган 1977 йилнинг 16 августидан буюн бир оғиз ҳам гапирмасдан, «соқов» бўлиб яшайдиган ахдида содиқ бўлиб келаяпти.

Аёл ҳамиша Элевсининг хаёли билан яшайди: қўшқлари ёзилган ленталарни, у қатнашган фильмларни, ҳайкалинги, ҳаттоки, бировларга тақдим этилган дастхатларини, гитарасини излаб, топиб, асрамоқда.

Алисанинг эса парвойи палак. Унинг «Элевс меннинг қиролиман эди. Қўнглим сезаяпти, у тирик. Қиролим қайтиб келмагунча бир оғиз ҳам гапирмайман» деб ёзиб қўйганига ҳам 17 йил бўлди.

МАТОНАТ
• Бир кам дунё қисмати
• Мушфиқ онаизорнинг ёшлари
• Мудҳиш ҳодисани ўн йил олдин сезгани кўнгли
• Ногиронлар аравачасидан катта спортга қайтиши
• Олимпиада уфқларига қадалган кўзлар
ёки тақдирнинг аччиқ ситамини боши узра штанга қилиб кўтарган инсон

туради. Яна Наим ака мушқулми осон қилди. — Ҳа, деб спортчиға савол берарасизларми, ахир спортчиға машғул қилдиган ҳам, йўқ қилдиган ҳам мураббий ва шароитку.

сум опа. — Мана шу хонани Юсуф учун машғулот аэли қилиб беришди. Болам пақир уззу-қун шу хонадан чимайди.

ғонага олиб кетиш учун келганини айтиди. Бунни эшитиб, танамда мадор қолмади. Жароҳати энгил деса ҳам ишонмадим.

Тақдирнинг аччиқ қисмати ё бир кам дунёнинг Юсуф учун аталган умр нэммати шундаймиди, билмадик, ҳар ҳолда келажак катта оруз-умидлар билан боқайтган 18 ёшли йигит тўсатдан бир умрлик ногиронлар аравачасига миҳланиб қолди.

НОБЕЛНИНГ НАЗАРИ ТУШГАН...

Швециялик жаҳонга машҳур олим ва тадбиркор Альфред Нобелнинг Фарғонадаги овдақ Чимён қишлоғига нега назари тушганди?

Асримиш бошларида Помир тоғларининг Фарғона тизмаларига туташ Чимён қишлоғидан нефть топилади. Бундан бугун дунёдаги саноатчилар дарҳол хабар топишади.

ни яна қайтиб келишга ундайдди. Ўзбекистон Маънасида олтингуртлик маъдан суви билан даволашдан ташқари электрапаратлари, шам ва озокерит, уқалаш, жисмоний тарбия йўли билан даволаш ҳам йўлга қўйилган.

Чорак асрлик санаторияга Мадамнинг Аҳмедов етакчилиги қилиб келди. Унинг сайҳаракати билан даволаш ўринлари 60 талдан 115 тага етказилди.




Бўлажак чавандозлар



Республика об-ҳавони кузатиш маркази хабар қилади: 13-17 апрель. Ушбу муддатда республикамиз ҳудудинда ҳаво беқарор бўлади.

Эрталаб ҳамиша беморларнинг ҳолидан хабар олиб, улардан кўнгли сўраётми?

— Қалай, Андерсен, кечаси ахши ухладингизми? — Жуда ахши ухладим. Кеча кечкурун уйку олдидан жуда зўр дори ичудим.



— Йўқ, Унг чўнтағимдаги соатнинг кичкина миани тушиб қолган, чап чўнтағимдагининг катта миани йўқ. — Кечаси полиция бошчилигини телефони жаранглади, дастакода кимдир қичқирди.

МАНСУБА

МАНСУБА
МАСАЛА: Оқлар бошлаб ютади.
8 7 6 5 4 3 2 1
a b c d e f g h
(Газетанинг 30 март сонидан берилган мансубанинг ечим: 1. Фр3 б3 2. Фр3 Ш3 3. Фр1Х Ёки 1... Ш3 5 бўла, 2. Фр2! Ш4 3. Фр а2X).

ҒОЛИБ — «АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ»

Ақмаз Икромов туманидаги Абдулла Қодирий маҳалласи ўтган йили эълон қилинган «Мустақиллик, экология, халқ саноатчилиги» республика кўрик танловининг ғолиби бўлди.

Кўрик-танловни халққаро «Экосан» жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпаняси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Халқ сўзи» газетаси ҳамкорликда уюштирган эди.

ТЕМУР РОЛИДА — БЕҲЗОД...

«Буюк Амир Темур» бадий фильмининг илк лавҳалари тасвирга туширилди.

Суратта олиш айна кунларда Хоразм виллоятида давом этаётган. Фильм сценарийси таниқли тарихчи ва адиблар Бўрибой Аҳмедов, Абдулла Орипов ва Ашраф Аҳмедов ҳамкорлигида ёзилган.

ҚОВОҚ ПЛОВОН

Оғирлиги 214 килограмм бўлган москвалик Владимир Колтанов янги дунё рекордини ўрнатди.

У ошқовоқлар фестивалида йирик-йирик 11 та ошқовоқни уруғи ва пўчоғи билан 2 соатда ейишга улгурди.

ЭРИНИНГ АРВОҒИ ҚўЛАБ, ЎН ТўРТ МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЮТИБ ОЛДИ

Австриялик 36 ёшли бева Тереза Лоуи эрининг вафотидан сўнг моддий томондан анча қийин аҳволга тушиб қолганди.

У уч фарзандини боқиб учун кун буйи иш излаб тополмагач, ҳориб-чарчаб уйига қайтди. Сўнг телефон дастагини кўтариб, автожавобга ёзилган овозни эшитди-ю, турган жойида қотиб қолди: марҳум эри қандайдир 6 та рақам ҳақида гапирарди.



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Ширкатмаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

Бўлимлар: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туниқ муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25, Вахтёр 33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев. Навбатчи — Н. Топеца.